



O'ZBEKISTON OVOZI

• 2016-yil, 1-sentabr. Payshanba • 103 (32.162)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Мамлакатимизнинг кўп асрлик тарихида мутлақо янги саҳифа очган, эл-юртимизни мустабид тузум кишанларидан озод қилиб, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлини очиб берган Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрами билан барчангизни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаймиз.

Қадрли дўстлар!

Барчамизга аёнки, мустақиллик ҳеч қайси халқ, ҳеч қайси миллат тарихида осонлик билан қўлга киритилган эмас. Бу ҳақиқатни чуқур англайдиган халқимиз шу курашда фидойилик кўрсатган, қурбон бўлган ота-боболаримизнинг хотирасини қалбда абадий сақлайди.

Айни шу кунларда ўзини оқламаган эски тузумдан янги тизимга ўтиш даврини эслар эканмиз, бошимиздан кечирган машаққатли кунлар ва оғир синовлар беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.

Айниқса, собиқ тузум асоратлари тўғрисида республикамизда аҳвол нақадар хатарли тус олганини аввало таъминот масаласи бўлган ишдан чиқиб, халқимизнинг боқиси учун бор-йўғи бир ҳафта-ун кунга етadиган ун захираси қолгани, тартиб-интизом бўшашиб, турли қўпоровчи ва ғаламис кучлар бош кўтариб, юртимиз деярли жар ёқасига келиб қолгани мисолида тасаввур қилиш қийин эмас.

Ана шундай ўта таҳликали вазиятда ҳам биз ўз танлаган йўлимиздан — мустақиллик йўлидан қайтмадик. Чунки биз яхши тушунардиқ — ҳаёт-мамлатимиз ҳал бўлаётган айни шундай давларда қийинчилик ва тўсиқлар олдида бўш келиш — бу ҳозирги ва келажак авлодлар олдида хиёнат қилиш билан баробар бўлур эди.

Айни шу пайтларда халқимиз ўзининг қатъияти ва матонатини амалда намойиш этиб, Ўзбекистонимизнинг ёруғ ва буюк келажакка ишончини йўқотгани йўқ ва ишоролло, ҳеч қачон йўқотмайди.

Ҳақиқатан ҳам, мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ, аҳолиимиз қандай оғир ва хавф-хатарли бўлмасин, ҳар қадамда пайдо бўлаётган тўсиқ ва ғовларни, турли муаммоларни ечиш билан банд бўлишдан қатъи назар, мамлакатимизнинг бугунги кун ва истиқболга жавоб берадиган, чуқур ўйланган стратегиямиз устида ишчимизни тўхлатганимиз йўқ.

Биз олдимизга қўйган буюк мақсадларга эришишда — эркин, демократик давлат қуриш, бозор иқтисодиётига ўтиш, фуқаролик жамиятини барпо этишда, мамлакатимизни тараққий топан давлатлар қаторига кўтариш йўлида шошма-шошарлик ва пала-партиш ишларга йўл қўймадик, ҳақондаги ил-ғор тажрибаларни ўрганиб, лекин қимдан кўр-кўрона нусха олганимиз йўқ. Бу борада чуқур маънога эга бўлган «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун» деган ғоя асосида эл-юртимизга хос хусусиятлар, шарт-шароитларга мос бўлган, халқаро майдонда «Ўзбек модели» деб тан олинган, узоқни кўзлаган йўлни ўзимизга маъқул топдик ва уни амалга оширишга киришдик.

Биз танлаган йўл — машҳур беш принципга асосланган тараққиёт стратегияси нақадар тўғри эканини, оғир синовлардан ўтиб, мамлакатимиз ривож учун мустаҳкам замин бўлиб қолганини ҳаётимизнинг ўзи исботлаб бермоқда. Бунинг тасдиғини мустақилликка эришганимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб энг ўткир ва ҳал қилувчи масала — замон талабига жавоб берадиган янги авлод кадрларини тайёрлаш вазифаси мисолида яққол кузатиш мумкин.

Агарки биз 19 йил олдин эски қолип ва асоратлардан воз кечиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурини қабул қилиб, таълим-тарбия тизimini тубдан ўзгартирмасак, бунинг учун давлатимиз ва бутун жамоатчилигимизнинг куч ва имкониятларини

сафарбар этмасак, бугунги аҳолиимиз қай даражада бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ҳеч иккиланмасдан айтишга барча асосларимиз бор — ҳозирги кунда лицей ва коллежларни, олий ўқув юртиларини битириб чиқаётган, ҳаётга янги-ча қарайдиган минг-минглаб ёшларимиз биз учун, келажакимиз учун тоғдек таянч бўлиб, мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислохотларнинг ташаббускори ва ижрочиси бўлиб майдонга чиқмоқда.

Ватанимизнинг келажак ва тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган бундай янги авлодни тарбиялашга қаратилган дастурларни ўз вақтида қабул қилганимиз ва давлат сиёсати даражасига кўтарганимиз янги жамият қуришимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Тарихан қисқа даврда Ўзбекистон илгариги ўзини боқиб, ўзини ҳимоя қилишга қурби етмаган, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта якка-хоқимлиги ҳалокатли тус олиб, аҳолининг ҳаёт даражаси ғоят ачинарли аҳволга тушиб қолган қоқол республикадан бугунги кунда тез ва барқарор суръатлар билан тараққий этиб бораётган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаган, қудратли давлатга айланиб бормоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар ўсди, унинг таркибида саноатнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизга етди, жаҳон миқёсидаги глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарама-дан, ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охириги 11 йил давомида камдан-кам давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келмоқда. Айтиш керак, 2016 йилнинг биринчи ярми якуналари бўйича ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, жорий йилда ҳам ўсиш суръатларимиз бундан паст бўлмайди.

Энг муҳими, ўтган давр мобайнида одамларимизнинг саломатлиги мустаҳкамланиб, оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайган, ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида 76 ёшга узайгани, аҳолиимизнинг сони 2016 йилнинг охиригача 32 миллиондан ошиб кетиши, яъни мустақиллик йилларида халқимиз 12 миллионга кўпайгани бизнинг қандай катта юксалиш йўлини босиб ўтганимизни, эл-юртимизнинг ҳаёт сифати ва фаровонлиги ўсиб бораётганини яққол тасдиқлайди.

Буларнинг барчаси аввало мард ва матонатли халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати эвазига амалга оширилмоқда ва мамлакатимиз ўзининг барқарор ривожланиш суръатлари билан халқаро жамоатчилиқни ҳайратда қолдирмоқда.

Мухтарам юртодошлар! Барчамиз яхши тушунаимиз — биз эришаётган улкан марра ва натижа-лар кўзлаган мақсадларимизнинг фақат маълум бир қисmini ташкил этади.

Ҳозирги вақтда тез суръатлар билан ўзгариб бораётган давр, дунё бозорларида ноаниқлик, беқарорлик ва инқироз давом этаётгани, рақобат кучайиб, шафқатсиз тус олаётгани, хомашё нархининг пасайиб бораётгани — бундай ҳолатлар барчамиздан, аввало, раҳбарлик ва етакчи лавозимларда ўтирган шахслардан эски қараш ва ёндашувлардан, иш услубларидан бутунлай воз кечиб, янги-ча фикрлашни, ишни ташкил қилиш ва бошқарув тизimini замон талаблари даражасига кўтаришни тақозо этмоқда.

Энг аввало, мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация қилиш, унинг рақобатдошлигини ошириш йўлида бошлаган ислохотларимизни давом эттириш, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва унда давлат иштирокни камайтириш, хусусий мулкнинг улушини кенгайтириш ва унинг устуворлигини таъминлаш вазифалари ҳал қилувчи ўрин тутишини зарур. Шулар қаторида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес

самарасини ошириш, хорижий инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, замонавий, юқори технологияларни жорий этиш мақсадида мамлакатимизда яратилган имтиёزلарни янада кенгайтириш вазифалари доимо эътиборимиз марказида туриши даркор.

Бугунги кунда яқин ва узоқ атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб, турли можаро ва қон тўкишлар давом этаётгани, терроризм, экстремизм ва наркотрафик хавфи тобора кескинлашиб бораётгани ҳар биримизни ташвишга солмасдан қўймайди ва барчамиздан ҳамisha хушёр ва огоҳ бўлиб яшашни талаб этади.

Вужудга келаятган мана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистонимизнинг хавфсизлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, турли бало-қазоларни оstonамизга йўлатмаслик, юртимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиғидек сақлаш, «Бизга тинчлик ва омонлик керак» деган эзгу даъватни барчамизнинг бурчимиз ва устувор вазифамиз сифатида амалга оширишимиз зарур.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ташқи сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида биз бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва пайдо бўлаётган қарама-қаршилик ва зиддиятларни тинч, сиёсий қелишувлар йўли билан ечиш тарафдоримиз.

Турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянсларга қўшилмаслик, юртимиз ҳудудига чет давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига ва ҳарбийларимизнинг чегараларимиздан ташқаридаги ҳудудларда бўлишига йўл қўймаслик ўзимиз учун маъқул, деб биламиз.

Биз мустақиллик йилларида яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат, ўзаро манфаатларни тан олиш асосида олиб бораётган алоқаларимизни, аввало ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб келганимиз ва айни шундай сиёсатни давом эттиришга тайёремиз.

Азиз ватандошлар!

Шу кунларда бутун халқимиз Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза медалини қўлга киритиб, буюк ғалабага эришган спортчи ёшларимизни қизгин қўтламоқда. Дунёдаги 206 та мамлакатдан келган мана-ман деган спортчилар билан бўлган кескин беллашувларда ўғлонларимизнинг кўрсатган мардлиги ва фидойилиги, маҳорати ва матонати, ана Ватанимизга муҳаббати минг-минглаб ёшларимиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб, деб ғурур ва ифтихор билан баралла айтишга барчамиз ҳақли-миз.

Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, Ўзбекистон ёшларининг дунёда ҳеч қимдан кам эмаслигини бунга ҳақонга намойиш этган моҳир спортчиларимизга, уларнинг ота-оналари, усто-мураббийларига, миллий олимпия терма жамоамизнинг барча аъзоларига чин қалбимдан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сиз, ёшларимизга, менинг азиз фарзандларимга қаратиб айтмоқчиман: бўш келманг, азизларим, давр бизники, марра бизники!

Кадрли ва муҳтарам ватандошларим!

Сизларни, бутун халқимизни Мустақиллик куни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга тинчлик-омонлик, бахту саодат, ҳонадонларингизга, эл-юртимизга файзу барака тилаймиз.

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи қўлласин, ўзи мададкор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИГА ГҮЛ ҚҮЙИЛДИ

Халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг йиғирма беш йиллигини катта кўтаринчилик билан байрам қилмоқда. Бу буюк сана юртдошларимиз қалбига бемисл фахр-ифтихор, сурур бағишламоқда. Жорий йилда энг улуг, энг азиз

айёмимиз мамлакатимиз бўйлаб «Гўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» деган эзгу ғоя асосида нишонланмоқда.

► Давоми 2-бетда.

Самимий қутловлар

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларида самимий қутловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-омонлик, доимий раванг ҳамда фаровонлик каби эзгу истаклар изҳор этилган.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг мактубида шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислом Абдуганиевич!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг 25 йиллиги билан Сизни самимий муборакбод этаман.

Мамлакатингиз ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий, гуманитар ва бошқа соҳаларда салмоқли ютуқларга эришди. Ўзбекистоннинг жаҳон майдондаги обрў-эътибори бениҳоя юқоридир.

Дўстлик ва ўзаро ҳурматнинг эзгу аънасаларига таянувчи давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳида фаол ривожланиб бормоқда. Ишончим комилки, биз ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорликни бундан буён ҳам барча йўналишларда мустаҳкамлаб, долзарб халқаро масалаларни ечишда сазй-ҳаракатларимизни самарали равишда мувофиқлаштириб бораверамиз. Бу Россия ва Ўзбекистон халқларининг туб манфаатларига жавоб беради, минтақавий барқарорлик ва хавфсизлиқни таъминлашга хизмат қилади.

Мухтарам Ислом Абдуганиевич, Сизга чин қалбдан мустаҳкам соғлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига бахт-саодат ва раванг тилайман.

Эхтиром ила,
Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллашган:
Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Қироличаси — **Елизавета II**
Япония Императори — **Акихито**
Бельгияликлар Қироли — **Филипп**
Франция Республикаси Президенти — **Франсуа Олланд**
Хиндистон Республикаси Президенти — **Пранаб Мукержи**
Қозоғистон Республикаси Президенти — **Нурсултон Назарбаев**
Молдова Республикаси Президенти — **Николае Тимофти**
Туркия Республикаси Президенти — **Режеп Таййип Эрдоғон**
Туркия Республикаси Бош вазири — **Бинали Йилдирим**
Чехия Республикаси Президенти — **Милош Земан**
Словакия Республикаси Президенти — **Андрей Киска**
Болгария Республикаси Президенти — **Росен Плевнелиев**
Малайзия Қироли — **Абдул Халим Муадзам**
Шоҳ Янг ди-Пертуан Агонг XIV
Фаластин Давлати Президенти, Фаластин Озодлик Ташкилоти Ижроия Қўмитаси Раиси — **Махмуд Аббос**
Бангладеш Халқ Республикаси Президенти — **Абдул Ҳамид**
Исроил Давлати Президенти — **Руевен Ривлин**
Сингапур Республикаси Президенти — **Тони Тан Кен Ям**
Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари, Ички ишлар вазири — **Сайф бин Зайд Ол Наҳаён**
Бельгия парламенти Вакиллар палатаси раиси — **Зигфрид Браке**
Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби — **Рашид Алимов**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

«Орзу лайнери» — Ўзбекистонда!



«Тошкент» халқаро аэропортида «Boeing 787-8 Dreamliner» самолёти тақдимоти бўлиб ўтди

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ

МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИГА ГУЛ ҚҲЙИЛДИ

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан 31 август куни хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу мақсадларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига тантанали равишда гул қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар номидан ҳарбий оркестр садолари остида Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул-чамбарлар қўйилди.

Мустақиллик, тинчлик ва тараққиёт. Бу улуг тушунчалар доимо ёнма-ён. Халқимизнинг тарихий ютуғи — Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда бу ҳақиқат яна бир бор ўз ифодасини топмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида Мустақиллик майдонида улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, у яхлит меъморий ансамбль, ноёб мажмуа кўринишини олди. Бу ерда олиб борилган бунёдкорлик ишлари бош майдонимизнинг нафақат манзарасини, балки маъмуриятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Бугун Мустақиллик майдонининг кўру таровати ҳар қандай кишини хайратга солади. Бу ердаги доимо яшнаб турувчи дарахтлару турфа гуллар кўзни қувонтиради. Майин шабададан дарахтлар, ям-яшил майсалар охишта тебранади. Кундузлари кўёш нурида, тунлари нурафшон чироқлар шуъласида хиллаланувчи фавворалар майдон ҳавосини мўстадил сақлайди. Бу ерга келган одам ажиб сокинликни, унинг замиридаги тинчлик ва осейиш-талиқни янада теран ҳис этади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2005 йил 28 декабрда Мустақиллик монументи олдида Бахтиёр она сиймоси акс этган муаззам ҳайкал қад ростлади. Бугунги тинч, осуда ҳаётимиз, порлоқ келажакка бўлган мустақам ишончимиз ифодаланган, фарзандини бағрига босиб, унга термулиб турган Бахтиёр она сиймосида ҳар биримиз ўз онамизни, бегубор болалигимизни,

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

ЎЗА.

МУНОСАБАТ

Бахт меҳнатдан топилади

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг қутлуг 25 йиллиги тантаналари арафасида Президентимиз Ислоҳ Каримов фармонига кўра, бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Улар орасида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фаоллари ҳам бор.

Дилфуза УМАРОВА,

Анджон вилояти, Жалакудук туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси.

— Дунёда энг масъулиятли ва шарафли касблардан бири шифокорлик бўлса, иккинчиси ўқитувчиликдир. Чунки шифокор инсон жисмининг саломатлиги учун қай-гурса, ўқитувчи унинг маънавияти, ички дунёси гўзал бўлиши, умуман, қомил шахс бўлиб улғайиши учун ҳаракат қилади. Очиги, ана шундай касб эгаси эканимдан фахрланаман.

Мустақиллик байрами арафасида қувончимга қувонч қўшилди. Юртбошимиз фармони билан менга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвони берилди.

Фанда шундай қонунят бор: ҳеч қачон бордан йўқ бўлмайди ва йўқдан бор бўлмайди. Яъни, табиатдаги бирор жисм ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетмайди. У бошқа бир жисмга айланиши мумкин. Агар ушбу тушунчани инсонлар ҳаётига татбиқ қиладиган бўлсак, сидқидилдан қилинган меҳнат, фидойилик ҳеч қачон исиз йўқолмайди.

Бугун юртимиздаги тинчлик-хотиржамлик, бағри бутунлик ва фаровонлик ҳам эзгу ниятлар, тинимсиз меҳнатларнинг самараси, деб ўйлайман.

Ўзбекистонда эришилаётган бугунги тарихий натижаларда баркамол авлодни камол топтиришда таълим тизимига, ўқитувчи-мураббийларга берилган эътиборнинг аҳамияти катта. Шу

ўринда бир ўйлаб кўрайлик, халқаро молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарама-дан, юртимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнатига рағбат кучайтириляпти, ижтимоий ҳимоямиз кафолатланаяпти. Биз бу ғамхўрликни кўриб, ҳис қилиб турибмиз.

Улуг маърифатпарварлардан бири муаллим ила муҳаррир миллатнинг икки қўлидир, деган эди. Бу юксак мукофот нафақат менга, балки бутун педагоглар зиммасига катта масъулият юклайди. Бугунги мураккаб замонда интеллектуал билимли ёшларгина ўз йўлидан адашмай, юқори марраларга эриша олади. Йигит-қизларимизни катта мақсадлар сари етаклай олиш ҳар бир педагогдан чуқур билим, тинимсиз ўз устида ишлаш ва энг асосийси, фидойиликни талаб этади.

Фурсатдан фойдаланиб, юртдошларимизни энг улуг, энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг 25 йиллик қутлуг санаси билан табриклайман.

Абдукарим ПАРДАБОВ,

Сирдарё вилояти, Сайхунбод туманидаги «Мақсад» фермер хўжалиги бошлиғи.

— Мен оддий деҳқон фарзандиман. Назаримда, инсон қадри кўп омиллар билан ўлчанади. Масалан, одам оиласида, меҳнат жамоасида қадр топиши, маҳалланинг, туманнинг эътирофига сазовор бўлиши мумкин. Бу ўз ўзидан кишига қувонч, бахт, хотиржамлик олиб келади.

Бироқ мамлакат даражасида эътибор кўрсатилиши, шахсан давлат раҳбари томонидан фахрий унвон берилиши инсон қалбини тўлқинлантириб юборади. Шунинг учун ҳозир кўнглимдан ўтаётган туйғуларни икки оғиз сўз билан ифодалаб бўлмайди.

Менга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор» унвони берилганини эшитиб, ҳаёлимдан кўп-кўп хотиралар ўтди, кўзимга ёш келди. Далада эдим. Ҳозирда иш қизғин. Табриклаш

учун дўст-биродарлар, яқинлар шу ергача келишди. Партиямиз фаоллари ҳам қутлашди. Истиқлолимизнинг 25 йиллиги мен учун хайрли, хосиятли келди.

Фермер хўжалигимизда пахта, ғалла етиштирамиз. 20 нафарга яқин маҳалладошимизни иш билан таъминлаганмиз. Фарзандларим ҳам ёнимга кирган, оиламиз билан меҳнат қиляпмиз.

Бугун фермер бўлман, ишлайман деган одамга кенг йўл очиб берилган. Табиат инжиқликларига қарама-дан, шартнома режасини ўз вақтида уддалашга ҳаракат қиляпмиз.

Одам ҳар бир касбдан бахт топиши мумкин. Фақат меҳнат инсонни улугларкан, мартабасини ошираркан. Фермер бўлиб, кам бўлмайди. Ишимдан, оилам ва фарзандларимнинг келажатидан кўнглим тўқ.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Нурали ОРИПОВ
ёзиб олди.

■ 1 сентябрь куни пойтахтимизнинг барча туманларида байрам тантаналари ўтказилади. Мамлакатимиз вилоятларида байрам тадбирлари, сайиллар давом этади.



«Орзу лайнери» —

ЎЗБЕКИСТОНДА!

«Тошкент» халқаро аэропортида «Boeing 787-8 Dreamliner» самолёти тақдироти бўлиб ўтди

Бугунги кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» рамзи туширилган замонавий самолётлар жаҳоннинг ўнлаб мамлакатлари аэропортларига кўнмоқда. Мамлакатимизнинг ҳаво дарвозалари эса кўплаб хорижий авиакомпаниялар самолётларини қабул қилмоқда. Ушбу стратегик муҳим тармоқда меҳнат қилаётган мутахассисларимиз юксак касб маҳоратларини намойиш этган ҳолда, мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги нуфузини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Шуниси қувончлики, истиқлолимизнинг 25 йиллик байрами арафасида янги авлод самолёти «Boeing 787-8 Dreamliner» қабул қилиниши Ўзбекистон фуқаро авиацияси изчил тараққий этаётганлигининг яна бир исботи бўлди.

Бутун жаҳонда «Орзу лайнери» номи билан машҳур самолёт олис Сиятдан 12 соатга яқин парвозни муваффақиятли бажариб, «Тошкент» халқаро аэропортига келиб қўнди. Шу муносабат билан ўтказилган тантанали маросимда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори Валерий Тянь, Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавкуллда ва мухтор элчиси Памела Спратлен ва бошқалар Ўзбекистонда замонавий моддий-техник база ҳамда юқори малакали мутахассисларга эга фуқаро авиацияси ташкил топгани, ҳаво кемалари парки мунтазам янгиланиб борилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Илғор технологиялар асосида яратилган янги самолёт юқори самардорликка эга. Экипаж аъзолари ва йўловчилар узок парвоз чоғида асло толиқмайди. Унинг ёқилги сарфи «Boeing 767» самолётига нисбатан 10 фоизга кам.

Тезлиги юқорилиги боис, Москвага 10 дақиқа, Лондон ва Парижга эса 30 дақиқага тезроқ етиб бориш имконини беради. Учиш масофасининг узайтирилгани эса ҳаво кемасидан олис халқаро йўналишларда фойдаланиш, дунёнинг энг чекка нуқталарига ҳам тўғридан-тўғри парвоз этиш имкониятини яратди.

Жорий йил сентябридан бошлаб Миллий авиакомпаниямиз 246 йўловчига мўлжалланган ушбу самолётдан дастлаб маҳаллий қатновларда, сўнгра хорижий йўналишларда парвозларни амалга оширишга киришади. Дарвоқе, тез орада яна бир «Орзу лайнери» миллий авиакомпаниямиз паркини тўлдирди. Бу эса мамлакатимиз фуқаро авиациясининг янада юксалишига хизмат қилади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Улугбек Розуқулов сўзга чиқди.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Мустақиллик байрами арафасида партиямизнинг ушбу акцияси доирасидаги тадбирлар самимий руҳда ўтмоқда.

«КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ»

— Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланади. Аҳоли турмуш шароитини яхшилашга ҳисса қўиши олди-мизда турган энг асосий вазифалардан.

Наманган вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Дилором Абдурахимованинг бу сўзлари Наманган шаҳар «Боғи Эрам» тантаналар мажмуасига тақлиф этилган электротар вакилларига кўтаринки кайфият бағишлади.

Вилоят якка-ёлғизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мулоқотга кириштириш бағиш раҳбари Жўрабек Ракибов бу фикрларни давом эттириб, мустақиллик йилларида қабул қилинган, инсон қадр-қиммати ва шаънини улугловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритди.

Наманган шаҳри ва туманлардан келган кам таъминланган оилалар вакиллари файзли дастурхон атрофида дилдан сўхбатлашишди. Икки нафар кам таъминланган оила фарзандининг тўйи ҳам шу давралда нишонланди. Тўйболалар Нурбек ва Сайёббекни ҳамма табриклади. Вилоят «Тадбиркор аёллар» уюшмаси раҳбари Мавлудохон Абдуҳалимова, «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлими раҳбари ўринбосари Кимёхон Сатторова, Наманган шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Феруза Жалолова, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтини худудий бўлини маси мутахассиси Зулфия Аҳмадхўжаева йиғилганларни энг улуг, энг азиз айём билан табриклаб, тўйболаларга совға-саломлар топширишди.

Байрам тадбири давомида 26-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, истеъдодли ёшлар томонидан тайёрланган бадиий дастур намойиш этилди.


— Тиббиёт ходимиман, — дейди тўрақўрғонлик Замира Аҳмадшерова. — Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ўтказилаётган тадбирдан оиламиз мамнун. Инсон ҳамма нарсани топишга қодир. Аммо кўнглини кўтариш, ўзингни бахтли инсонлар сафига кўриш барибир бошқача. Бу тадбирда бахтли эканимни ҳис этдим. Бунинг учун партиядошларимизга миннатдорлик билдираман.

Акция доирасидаги тадбирлар вилоят бўйлаб давом этмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИСТИҚЛОЛ
ИНШООТЛАРИ

■ Пойтахтимизда ҳар йили янги йўллар, кўприклар қурилмоқда. Бу эса биринчидан, иқтисодий салоҳиятимизни кўрсатса, иккинчидан, қурувчиларимизнинг тажрибаси ва маҳорати ошиб бораётгани белгисидир.




Фотур АЛИЕВ олган суратлар.

МУСТАҚИЛ ВАТАННИНГ МУҲТАШАМ КЎПРИКЛАРИ

Энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида пойтахтимиздаги Нурафшон кўчаси Оқтепа майдонигача 4 километр узайтирилди ва Муқимий кўчасига уланди. Муқимий ва Шота Руставели кўчалари чорраҳасида эни 19 метр, узунлиги қарийб 1 километр бўлган замонавий кўприк бунёд этилди. Шунингдек, Муқимий кўчасининг ҳар бир йўналиши беш тасмали қилиб кенгайтирилди. Мазкур чорраҳадан бошланган берк кўча-нинг иккинчи томони Бобур кўчасига улангани натижасида пойтахтимизда яна бир айланма йўл барпо этилди.

Муқимий ва Шота Руставели кўчалари кесишмасида бунёд этилган замонавий кўприк ёнида пидедалар учун 90 метрлик ер усти ўтиш йўли барпо этилди. Бундай йўлнинг иккитаси Оқтепа майдонида ҳам қурилди.

Биз ушбу иншоотни кўришга келган юртдошларимиз билан суҳбатлашдик.



Нормамат ЗАХИЕВ,
меҳнат фаҳрийси:

— Шу кўприк ёнидаги маҳаллада истикомат қиламан. Илгари болаларимизнинг боғча, мактабга бориб келишидан хавотир олардик. Машиналар серкатнов бўлгани учун улар йўлдан

ўтишда қийналарди. Муқимий ва Шота Руставели кўчалари чорраҳасидаги ер усти ўтиш йўлига қурилиши туфайли кўпчиликнинг кўнгли хотиржам бўлди.

Бугун набираларимни олиб бу ерга келдим. Уларга пойтахтимиздаги бунёдкорликлар ҳақида гапириб бердим. Хайдовчилар учун ҳам, пидедалар учун ҳам қулай шароит яратилганидан мамнунмиз. Ер усти ўтиш йўлининг усти ёпиқлиги, аynиқса, ёгингарчилик бўлган кўнларда асқотади. Бундан ташқари, бу ерга ўриндиклар ҳам қўйилганки, баъзи кекса инсонлар бемалол ҳордик чикариши, атрофни қулатиши мумкин.



Баҳодир МУСАНАЗАРОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
ИХХБ йўл назорати бўлими
бошлиғи ўринбосари,
подполковник:

— Илгари Муқимий кўчасидан аэропорт томонга ҳаракатланаётган транспорт воситалари керагидан ортиқ йўлни босиб ўтишга мажбур бўларди. Шаҳар марказига борадиган хайдовчилар ҳам шундай

қийинчиликка дуч келарди. Муқимий ва Шота Руставели кўчалари чорраҳасидан соатига меъ-ёгдаги 6 минг машина ўрнига, 11 минг 500 автомобиль ҳаракатланарди. Бу эса тирбандлик юзага келишига сабаб бўларди. Ёқилги сарфни ошиб, атроф-муҳит ифлосланар эди.

Янги кўприк қурилиши муносабати билан бу ердаги ҳаракат анча енгиллашди. Қолаверса, бошқа кўчалардаги катновга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ўртимизда шу пайтгача ярим айлана шаклдаги кўприк қурилмаган эди. Бу илк тажриба бўлди.

Бир сўз билан айтганда, бундай замонавий кўприк пидеда ва автоуловларнинг эркин ҳаракат қилиши, ортиқча вақт йўқотилишининг олдини олиш, аynиқса, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

мамлакатимиз
куч-қудрати ва салоҳияти
тимсолига айланмоқда

— Иқтисодчи сифатида шунинг айтиши керакки, йўл қурилиши, хусусан, кўприк бунёд этиш катта маблаг, узок вақт ва мураккаб қурилиш техникасини талаб этади. Пойтахтимизда ҳар йили янги йўллар, кўприклар қурилмоқда. Бу эса биринчидан, иқтисодий салоҳиятимизни кўрсатса, иккинчидан, қурувчиларимизнинг тажрибаси ва маҳорати ошиб бораётгани белгисидир.



Зулфигор РАСУЛОВ,
иқтисодчи:

Иш юзасидан деярли ҳар куни Шота Руставели ва Муқимий кўчаларининг чорраҳасидан ўтаман. Илгари тирбандлик туфайли ушбу йўлдан юришга юрагим бетламасди. Ҳозир эса бу ердан ўтиш кишига завқ бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, мен барча юртдошларимизни мустақиллигимизнинг 25 йиллиги билан табриқлайман. Ўртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.



Орзиқул ТЎРАБОЕВА,
«Янги Миробод» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси:

— Очиғи, Ғафур Ғулом ва Абдулла Қодирий кўчаларини боғловчи чорраҳада қурилган кўприкни кўриб, ўша ерда яшаётган одамларга ҳавасим келганди. Бизнинг ҳудудимизда ҳам ана шундай иншоот қурилишини орзу қилгандим.

Мана, орадан ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ, маҳалламиз ҳудудидан ҳам муҳташам кўприк қад ростлади. Нафақат кўприк қурилди, йўллар атрофи

ободонлаштирилди, гуллар экилди. Маҳалла, ён-атроф обод бўлса, одамларнинг кайфияти ҳам юқори бўлади.

Кўприклар ва йўллар нима учун қурилади? Одамларга яхши бўлиши, уларга қулайлик яратиш учун. Биз, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ўзимиз яшайдиган ҳудуддаги одамларга юртимизда амалга оширилаётган иншоотлар замирида аввало инсон омили муҳассамлашганини тушунтириш зарур. Ҳамжиҳатлик ва аҳиллик эвазига ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтиш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Зиммамиздаги вазифага ҳам тўхталмоқчиман. Биз, маҳалла фаоллари қурилган бундай иншоотларни асраб-авайлаш, узок йиллар давомида хизмат қилиши учун масъул эканимизни унутмаслигимиз лозим, деб ўйлайман.



Шермурод ДИЛМУРДОВ,
«Al Tayyar» компанияси
ходими (БАА):

— Мен хизмат туфайли чет элда ишлайман. Бизнинг компанияда дунёнинг турли бурчларидан келган одамлар фаолият кўрсатади. Ҳаммамиз йиғилиб, суҳбатлашганда ҳар бир одам ўз юрти ҳақида, мамлакатидан қўлга киритилган ютуқлар ҳақида гапириб беради. Ишонсангиз, август ойи давомида Ўзбекистондаги бунёдкорлик ҳақида тўлиб-тошиб гапириб бердим.

Спортчиларимизнинг олимпия ўйинларида қўлга киритган ютуқлари ҳақида ҳаммага мактадим.

Пойтахтимизда янги қурилган кўприкнинг лойиҳасини интернетда кўрганимдаёқ ҳаяжонланиб кетгандим. Сабаби, бунақа узун, қайрилган кўприкларни фақат телевизиорда кўриб, бизда ҳам шуннақаси бўлармикан, деб ўйлардим. Мана, биз кутган кунлар келди.

Янги кўприкнинг суратларини дўстларимга кўрсатдим. Улар жуда ҳам чиройли иншоот қурилганини айтишди.

Чет элда юрсам-да доимо Ватан соғинчи билан яшайман. Ўзбекистонимиздаги ҳар бир янгилик, ўзгаришни қузатиб бораман. Бугун ҳам янги кўприк қурилганини эшитиб, интернет орқали суратларини томоша қилдим, гурурландим.

Темур АЪЗАМ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ
ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг, шунингдек, ҳўжалик судлари фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини янада такомиллаштириш мақсадида эълон қилган «Адолат — қонун устуворлигида» деб номланган танлов давом этмоқда.

«АДОЛАТ —
ҚОНУН
УСТУВОРЛИГИДА»

Танловга республика миқёсидаги газета, журналларда чоп этилган, телевидение ва радиода берилган ҳўжалик судлари тизимидаги ислоҳотларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақолалар, кўрсатувлар, эшиттиришлар қабул қилинмоқда.

Мақолалар чоп этилган газета ва журналлар, кўрсатув ва эшиттиришлар ёзилган тасмалар Олий ҳўжалик суди матбуот котибига таҳририят, телевидение, радио ходимлари ёки муаллиф томонидан тақдим қилиниши лозим. Танловга урта ва ундан ортиқ мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар билан иштирок этиш мумкин. Тақдим этилган мақола, кўрсатув ва эшиттириш муаллифининг тўлиқ исм-шарифи, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

Танловга 2016 йил 1 январдан 15 декабргача чоп этилган мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар қабул қилинади. Танлов 23 декабрда якунланиб, ғолиблар матбуотда эълон қилинади.

Танлов ғолиблари:

1-ўрин учун Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг I даражали дипломи ва энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдоридан пул мукофоти;

2 та 2-ўрин учун Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг II даражали дипломи ва ғолибларнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдоридан пул мукофоти;

3 та 3-ўрин учун Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг III даражали дипломи ва ғолибларнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланади.

Мурожаат учун манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Чўпонота кўчаси, 6-уй. Олий ҳўжалик суди биноси.

Телефон: (0-371) 273-94-82, электрон почта — press@oxs.uz

■ ОБОД МАНЗИЛЛАР

Бир қишлоқки,
чиройига ҳавас қиласиз

Истиқлол йилларида бунёдкорлик руҳи бутун мамлакатимизни қамраб олди. Пойтахтимиз Тошкент шаҳридан тортиб, энг чекка туманларгача турли иншоотлар, турар-жойлар қурилиши жадал олиб бориламоқда.

Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманида ҳам кенг қўламдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Биргина жорий йилда мустақиллик байрамига қадар 25,6 километр узунликдаги 25 кўчани сошлаш, 655 турар-жой, 139 та турли иморатларни таъмирлаш, коммуникация тармоқларини янгилаш мўл-

жалланган эди. Ушбу ишлар ўз вақтида тугалланди.

«Чўбот» қишлоғи Тайлоқнинг энг чекка ҳудуди ҳисобланади, туман марказидан 30 километр узокда жойлашган. Ушбу қишлоқдаги Урай-Элипоқ маҳалласининг қиёфаси кейинги йилларда тубдан ўзгарди. «Самарқанд — Жартепа» йўлидан маҳаллага кириб борувчи 2,5 километрлик кўча туман йўли қурилиш корхонаси томонидан капитал таъмирланди.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида эса ўнлаб янги бино ва иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда. Маҳалла маркази, болалар боғчаси, ўйингоҳи, спорт мажмуаси, ҳаммом, ошхона, тикувчилик цехи, сартарошхона, дорихона, минимаркет ва яхна ичимликлар сотадиган шохобчалар ишга туширилди.

— Биргина шу маҳалланинг ўзида 15 иншоот бунёд этилди, — дейди туман ҳокими Пўлат Аҳмедов. — Ҳадемай, 200 метр чуқурликдаги



Бахтиёр ИСМАИЛОВ олган суратлар.

тоза ичимлик сувини тортиб оладиган замонавий қудуқ ҳам ишга тушди. Нима иш қилинаётган бўлса, ҳаммаси одамлар ҳаётини фаровонлаштиришга қаратилган.

Яқиндагина фаолиятини бошлаган тикувчилик цехида 10 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Шундан 5 нафари коллеж битирувчиси, яна 5 нафари маҳалла аёллари бўлиб, аҳоли буюртмасига асосан парда ҳамда турли кийим-кечаклар тикмоқда.

— Бир умр шу қишлоқда яшаб, бу йилгидек қурилиш бўлганини кўрмаганман, — дейди фаҳрий ўқитувчи Абдусаттор Бобоёров.

— Инсоннинг қўлигул, деб бекорга айтишмайди. Қисқа муддатда маҳалламиз қиёфаси бутунлай ўзгарди. Дарҳақиқат, замонавий турар-жойлар, турли маданий, маъмурий бинолар, болалар майдончалари қурилди. Улар атрофига ўн турдаги ўн минг туп гул, 400 дан зиёд арча, Қрим қарагайи, каштан каби манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Энг муҳими, ушбу бунёдкорлик ва ободончилик ишлари тайлоқликларнинг меҳнати ва шижоати туфайли амалга ошмоқда.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



КЕЧА КИМ ЭДИГУ БУГУН КИМ БЎЛДИК?

Яқин ўтмиш сабоқлари

Бугун давлатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамини нишонлар эканмиз, ўтган қисқа даврда юртимизда амалга оширилган тарихий ишлар, буюк бунёдкорликлардан фахрланамиз, гурурланамиз. Айни чоғда кеча ким эдигу бугун ким бўлганимиз ҳақида фикр юритамиз.

Совет ҳукумати — Қизил империянинг зугуми, қонли сиёсати остида яшаган халқимиз бошига солинган кулфатларнинг чеки-чегараси бўлмади, қурбонларнинг сон-саногии бўлмади. Дунё дунё бўлиб, ўз халқини бунчалик азоблаган, хор-зор этган, қирғин қилган давлатни кўрмаган эди.

Шўро ҳукумати ўз умрининг сўнгги йилларида Ўзбекистонда яна бир мудҳиш жиноятни содир этди. Халқимизга нисбатан яна бир оммавий қатағонни ўтказди.

1983-1989 йилларда амалга оширилган бу қатағон «Пахта иши», «Ўзбек иши» деган сохта ном билан ниқобланган бўлиб, унинг тағида ёвуз мақсад ётарди... Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Ўзбек халқига қилинган бу тухматларга, қатағонга муносабат билдираркан, «...бинобарин, маҳаллий аҳолига нисбатан қирғин уюштирилган эди», деган эди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Юртбошимиз ўша вақтда бу қатағонга қарши чиқиб, халқимиз ҳуқуқи ва шавини ҳимоя қилиш учун кураш олиб борган эди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами



арафасида «Янги аср авлоди» нашриёти томонидан chop этилган «Адолат йўли» китобида айнан «Пахта иши», «Ўзбек иши» деб номланган қатағонлар, адолатсизликлар ҳақида ҳикоя қилинади. Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси ташаббуси билан тайёрланган бу китобдан таниқли адибларнинг ҳаётий воқеалар асосида ёзилган публицистик мақола ва очерклари ўрин олган.

Бугун мустақиллиқнинг соф ҳавосидан нафас олиб, бекиёс имкониятларидан фойдаланиб, ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етаётган ёш авлод учун бу аччиқ ҳақиқатларни билиш муҳим аҳамиятга эга. Қарамлик даврида халқимиз бошига солинган азоб-уқубатларни, ҳуқуқларимиз, шавинимиз, қадримиз қанчалик оёқ-ости қилинганини билиш мустақиллиқни қадрлашга ўргатади. Бу китоб кечаги фожияли ўтмишимизни унутмасликка, бугунги озод ва обод кунларимиз учун шукроналар айтишга, мустақиллиқни қадрлашга ундайди.

Ўз муҳбиримиз.

Илк бор биринчи синфга борганим худди кечагидек эсимда. Қишлоғимиздаги бошланғич мактабда жами 10 нафар бола ўқирдик. «Мактаб» деб аталган бу бино бир кўримсиз кулба эди. Биз бунга эътибор бермасдик. Барча фанлар бўйича битта ўқитувчи дарс ўтарди. Муаллимимиз жуда сермулоҳаза инсон бўлиб, бизга: «Мактабни тугатиб, ҳар хил касбларни эгаллайсизлар, шунинг учун ҳозирдан яхши ўқишларингиз керак», деб ўқтирар эди.



Ў.А. сураги.

Мен ўқиган мактаблар

Ўқиш давомида кун ва ойлар ўтиб, қиш-қировли кунларга етиб келганимизни билмай қолардик. Мактаб хонасини иситиш учун печкага тутантирик ёқардик, кейин таппи, кўмир қалардик, кўмир ёнмасдан тутаб кетардик. Унчага дарс соати-нинг камида ярми ўйга қайтариларди. Ҳоҳида кўмир етмай, синфхона исимасди, ўқитувчимиз уйга жавоб бериб юборарди.

Шу тариқа уч йил тахсил олгач, ўша пайтда «Киров шўро хўжалиги» деб юритиларди, биздан 8 км. узоқдаги 8-ўрта мактабнинг 4-синфига бордим. Бу ерда бошқа қишлоқлардан келган болалар билан 30 нафар ўқувчи таълим олардик. Дарс ҳафтасига

тўрт кун уч соатдан, икки кун тўрт соатдан ўтиларди.

Узоқдан қатнайдиган ўқувчилар учун мактабда ётоқхона ажратилган экан, лекин шароити яхши эмас эди. Беш нафар ўқувчи бир хонага жойлашдик.

Ҳар йили сентябрь ойидан бошлаб қўшни туманга пахта теришга борардик. Икки-уч ойлаб пиллаҳона ёки дала шийонида яшардик. Далада пахта умуман қолмаганида ҳам бизни уйга қайтариб юборишмасди, қорли-ёмғирли кунлар бошланганига қарамай, далада бўлишимиз зарур эди.

Ўша пайтда қишлоғимизда тахминан олтимиш оила истиқомат қиларди, шулардан иккита хонадонда энгил

машина, биттасида мотоцикл бўлган. Бир қуни туман марказида математика фанидан ўтказиларди олимпиадада қатнашиш учун йўлга чиқдим. Битта-ю битта автоулов қишлоғимиздан ўтиб туманга борарди, ўшани кута бошладим. Ниҳоят, юк ташишга мўлжалланган усти очик «Газ-51» машинаси етиб келди, бироқ одам тўла экан, тўхтамай ўтиб кетди. Ўша қуни туман олимпиадасига боролмадим...

Ўрта мактабни тугатгач, Тошкент халқ хўжалиги институтига ўқишга кирдим. Бу орада ҳарбий хизматга чақирилдим, ундан кейин институтда тахсил олишни давом эттирдим.

Мана, юртимиз мустақил

бўлди, тарихий ишлар амалга оширилди. Бизнинг қишлоғимизда ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Биринчидан, аҳоли сони илгаригига қараганда икки-уч, даромади олти-етти баробар ошди. Шунинг ҳисобига данғиллама уйлар қурилди. Ҳозир ҳар бир оила ўз энгил машинасига эга, хусусий автоуловлар ўн-ўн беш баробар кўпайди. Тўйлар замонавий қошоналарда ўтказилмоқда. Қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан тўла таъминланган.

Яқинда ўзим туғилиб ўсган Пайариқ тумани, «Халқобод» ҚФДаги Қудуқча қишлоғида янгидан қуриб битказилган мактабни бориб кўрдим. Кўркем, пишиқ

ғишдан қурилган, икки қаватли, синфлар ёруғ, кенг. Компьютер хонаси, кутубхона, спорт майдончаларини кўриб, хурсанд бўлдим. Ўзим ўқиган мактаб кўз олдимга келиб, қийналган, ҳўрланганларимиз ёдимга тушди...

Кечаги ва бугунги кунларни қиёслаб, кўнгилга бир фикр келади: бу кунларнинг қадрига етмасак, она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилишни энг олий саодат деб билмасак, ношуқурлик қилган бўламиз, гуноҳ қилган бўламиз.

Шахриддин ҒАНИЕВ,
Тошкент молия институтини ўқитувчиси, иқтисод фанлари номзоди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

Тошкент давлат шарқшунослик институтини қуйидаги вакант лавозимларга танлов (конкурс) эълон қилади:

1. Араб филологияси кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
2. Эрон-афғон филологияси кафедраси: профессор — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
3. Туркий тиллар кафедраси: доцент — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
4. Япон филологияси кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
5. Корейс филологияси кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин; стажёр-ўқитувчи — 1 ўрин;
6. Жанубий Осиё тиллари кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин;
7. Мумтоз филология кафедраси: доцент — 1 ўрин; стажёр-ўқитувчи — 1 ўрин;
8. Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
9. Таржима назарияси ва адабиёти кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин;
10. Хитой тили ва адабиёти кафедраси: доцент — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
11. Хитой иқтисодиёти кафедраси: доцент — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин; стажёр-ўқитувчи — 1 ўрин;
12. Хитой сиёсати, тарихи ва халқаро муносабатлардаги ўрни кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин;
13. Педагогика ва психология кафедраси: доцент — 1 ўрин;
14. Жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
15. Хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин;
16. Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
17. Шарқ фалсафаси ва маданияти кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
18. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин;
19. МДХ ва Яқин Шарқ мамлакатлари иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин; стажёр-ўқитувчи — 1 ўрин;
20. Осиё-Тинч океан минтақаси ва Жанубий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги кафедраси: доцент — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин; стажёр-ўқитувчи — 1 ўрин;
21. Математика ва ахборот технологиялари кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
22. Ғарбий Европа тиллари кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин;
23. Иқтисодиёт назарияси кафедраси: профессор — 1 ўрин.

ҲУҶЖАТЛАР:

1. Ректор номига ариза;
2. Шахсий варақа (рангли фотосурат билан);
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даража ва илмий унвони ҳақида диплом, малака ошириш сертификатлари;
4. Белгиланган талабларга кўра эгаллаш лавозими асосида тегишли мутахассислик бўйича маъруза ўқишда чет тили (инглиз, немис, француз тили) ва информатсион технологиялардан фойдаланиш кўникмаси (сертификат ва малака ошириш курслари асосида);
5. Тасдиқланган илмий ва илмий услубий ишлар рўйхати.

100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй.
Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 233-44-36; 233-02-38.

ЗАВОД «KRANTAS»

Производит и реализует под заказ:



- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовое автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokrantas.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

ШУКРОНАЛИК

Етмиш ёшдан. Деярли ярим асрлик умрини шифокорлик билан ўтди. Жарроҳ сифатида ҳозирги тиббиёт имкониятларини ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари билан солиштириб, ўйга толаман. Дори-дармон етишмаслигини кўя туринг, ангинани олиб ташлаш, кўричақ сингари нисбатан энгил жарроҳлик амалиётларини бажаришда энг зарур бўлган оддий тиббий ашёлар — тери чокни тикадиган махсус иплар, ускуналар етишмасди.

Ишлайдиган замон келди

Энди қаранг, қисқа 25 йил ичида ҳамма нарса ўзгарди. Мамлакатимиз туманларидаги барча қишлоқ врачлик пунктлари қайтадан қурилиб, тиббиёт ускуналари ва керакли дори-дармонлар билан таъминланди. Ҳозир шифохоналарнинг вилоят, туман деб юритилуви олдинги тоифа-даражаси қолмади, ҳисоб. Ҳатто энг чека туманларнинг марказий шифохоналари ҳам замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган. Қадрлар малакасини ошириш тизимли равишда олиб борилаётганидан малакали шифокорлар сони йилдан йилга кўпаймоқда.

Бизнинг туман марказий шифохонаси улкан бир мажмуага айлантирилди. Мукаддам туғуруқхона чека ҳудуддаги эски бир бинода жойлашганди. Эндиликда унинг ўзи янгидан қурилди. Бошқа даволаш масканлари замонавий тилдаги биноларда фаолият юритмоқда.

Бу каби эътибор учун кўчимиз борица ишлашга масъулимиз. Бу бизнинг истиқлол берган имконлар олдидаги бурчимиздир. Айни ҳавас билан ишлайдиган замонлар келди. Шу маънода, бугунги ёш шифокорларга ҳавасим келади.

Нурулла БЕКЧАНОВ,
Богот тумани марказий шифохонаси жарроҳи, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гурӯҳи аъзоси,
II даражали «Соғлом авлод учун» ҳамда «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol
XODJAYEV
Muslihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 959
8786
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 20:50
Topshirilgan vaqti — 23:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433
1 2 3 4 6